



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 26 октябрь, № 219 (8842)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Бўлажак парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари юзасидан фикр алмашилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) парламент сайловини кузатиш бўйича миссияси раҳбари Дуглас Уэйкни қабул қилди.



Учрашувда мамлакатимизда бўлажак парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан ЕХХТ ва унинг институтлари ўртасида очик ва самарали мулоқот ўрнатилгани, хусусан, бюро билан унумли ҳамкорлик йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак парламент сайловига тайёргарлик кўриш доирасида ДИИХБ кузатувчилари миссияси фаол ишлаётгани юқори баҳоланди. Бюро экспертлари миллий сайлов тизимини такомиллаштириш жараёнида иштирок этдилар. Улар билдирган тавсия ва таклифларнинг ақсари яна иноватга олиниб, мамлакатимиз қонунчилигига татбиқ этилди.

ДИИХБ вакили миссия фаолиятига кўрсатилаётган эътибор учун самимий миннатдорлик изорх этди ҳамда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Бу галги сайлов илк бор янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг парламент ва маҳаллий вакиллик органларининг ролини кучайтиришни назарда tutувчи қоидалари асосида аралаш сайлов тизими бўйича ўтказилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 11 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади

Ушбу Конституциявий Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунчилик

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Конституциявий Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мақоми

Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи бўлиб, иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг ягона тизимига раҳбарлик қиладиган коллегиал органдир.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган асосий йўналишлари доирасида амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир.

4-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг мақоми

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ахлит тизимига вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар кирди.

Вазирлик тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирадиган, шунингдек тизим ичидаги раҳбарлик фаолиятини яққабшчилик асосида ташкил этадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

Қўмита тегишли соҳада тармоқ ичидаги фаолиятни мувофиқлаштирадиган ва тартибга соладиган ҳамда тизим ичидаги раҳбарлик фаолиятини коллегиаллик асосида ташкил этадиган, шунингдек вазирликнинг ташкилий бўйсунувида фаолият юритадиган республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси раҳбари Дуглас Уэйк бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон қонунчилик фаолиятидаги янгиланган, ўзгаришлар ва натижаларга уруғ берилди. Айниқса, қонунлар ишлаб чиқиши ва қайта кўрилишида

инсон ҳуқуқларини таъминлаш бош мезон сифатида белгилаб олингани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, мулоқот давомида хотин-қизларнинг давлат ва жа-

миятдаги, айниқса, сиёсий жараёнларда фаоллиги ошгани ҳамда имконияти чекланган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий меъёрлар жорий этилгани таъкидланди.

Ўз навбатида, ЕХХТ вакиллари томонидан Ўзбекистонда қонунлар халқаро стандартлар асосида қабул қилинаётгани юқори баҳоланди.

«Халқ сўзи».

Анжуман

ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон маданий мероси ҳафталиги ўтказилмоқда. Унинг доирасида Мувофиқлаштирувчи кенгаш, Халқаро экспертлар кенгаши, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказининг кенгайтирилган илмий кенгашининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз ва хорижнинг етакчи тарихчи, қадимшунос олимлари, экспертлар, музейшунослар, реставраторлар, дин соҳаси вакиллари, хатотлар, мусаввирлар, дизайнерлар, замонавий рақамли технологиялар билимдонлари, шарқшунос олимлар, адиб ва ижодкорлар қатнашди.

➡

Шукух

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИГА ЭХТИРОМ

Пойтахтимиздаги Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари кунини муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, сенатор ва депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари раҳбарлари, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига йўллаган табригини Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

➡

Жараён

ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ИЖОБИЙ ТОМОНГА ЎЗГАРГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Малайзия парламенти Сенати Раиси ўринбосари Нур Жазлан Моҳаммад билан учрашув ўтказди.

Унда томонлар кейинги йилларда Малайзия ва Ўзбекистон раҳбарларининг ўзаро муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳисобига икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ишчилари ривожланиб, янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлашди.

Ўз навбатида, меҳмон Ўзбекистонда кенг қўллами ислохотлар ту-

файли инвестиция муҳити ижобий томонга ўзгарганини эътироф этди.

Таъкидланганидек, икки давлат ҳамкорлигини кенгайтиришда парламент институти салоҳиятидан унумли фойдаланиш ниятда муҳим. Шундан келиб чиқиб мазкур йўналишдаги вазифалар кенг муҳома қилинди.

Шунингдек, тарихий қадрият-

лар иноватга олинган ҳолда ислом цивилизациясини ўрганиш ва ривожлантириш йўналишида илмий тадқиқот лойиҳаларини ҳамкорликда олиб бориш юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот давомида туризм ва савдо-иқтисодий соҳаларда ҳам алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда икки давлат халқларини бирлаштирувчи маданий тадбирларни амалга оширишга қилишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси делегациясини қабул қилди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг МДХ давлатлари парламентлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда истиқболдаги режаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар давлатлар ўртасидаги яқин қўшничилик алоқалари мустаҳкамлангани ва барча соҳадаги муносабатлар янги босқичга кўтарилгани, бу эса халқларимиз фаровонлигини таъминлаш-

да муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Айниқса, бу жараёнда парламентлар роли ошиб бораётгани ва Ўзбекистоннинг Ассамблея фаолиятидаги ташаббускор позицияси мамнуният билан эътироф этилди.

Мулоқот якунида бундан кейин ҳам Ўзбекистоннинг МДХ Парламентлараро Ассамблеяси ҳамда унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга оширишга қилишиб олинди.

«Халқ сўзи».

МАМЛАКАТИМИЗНИ КАСПИЙ ВА ҚОРА ДЕНГИЗ ПОРТЛАРИ БИЛАН БОҒЛАЙДИГАН МУҲИМ АВТОМАГИСТРАЛЬ

25 октябрь куни Қўнғирот — Бейнеу автомобиль йўлининг янгида қурилган 240 километр қисми фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Бу йўл мамлакатимизни Европа давлатлари билан боғлайдиган стратегик автомагистралдир. Лекин узоқ йиллик қатновлар, Оролбўйининг кескин континентал иқлими туфайли яроқсиз аҳволга келиб қолганди. Шу боис 2021 — 2024 йилларда 323 миллион долларлик лойиҳа эвазига замонавий қилиб қайта қурилди.

Давлатимиз раҳбари маросимда ушбу йўлнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди.

— Энди мамлакатимиз худудларидан халқаро ташувлар масофаси 1 минг километргеча, транспорт харажатлари эса 25 фоизгача камаяди. Бу йўл юртимизни Каспий ва Қора денгиз портлари орқали Европа бозорлари билан ишончи билан боғлайдиган логистика тармоғига айланади. Яна бир муҳим жиҳати — “А-380” халқаро йўлагининг Ўзбекистондан ўтган қисмида кўнлик транспорт қатнови 3 қарра ошади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йўл жаҳон стандартларига ҳар томонлама мос, текис ва равон. У аввало халқимиз, қолаверса, хорижий туристлар ҳамда юк ташувчиларга қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш имконини беради.

Авалроқ Ғузор — Бўхоро — Нукус — Бейнеу халқаро автомобиль йўлининг бошқа қисмлари таъмирланган эди. Шу йил 29 февраль куни Амударё устида Қорақалпоғистон билан Хоразмин боғлайдиган янги кўприк очилди. Бундай ишлар одамлар ҳаракатида қулайлик яратиб, иқтисодий фаоллик ошишига, тадбиркорлик ривожланишига ҳам қўшимча туртки бўлади.

Ҳисоб-китобларга кўра янги йўл атрофида 200 дан зиёд савдо-сервис объектлари ва санат корхоналари пайдо бўлади. Шунинг ҳисобидан дастлаб 2 мингта, келгусида эса яна 5 мингта иш ўрни ташкил қилинади. Шу тариқа, Қорақалпоғистонда транзит ва бошқа хизматлар ҳажми йилига 200 миллион долларга, мамлакатимиз экспорт до-касида 300 миллион долларга ошиши учун мустаҳкам замин яратилади.

Ушбу магистраль йўл ўтадиган Тўртқўл, Эллиққалъа, Беруний, Нукус, Ҳўжайли, Шуманай, Қонлиқўл, Қораўзақ ва Қўнғирот туманларидаги 1 миллиондан зиёд аҳоли ҳаёти ўзгаради.

Президент мазкур лойиҳада иштирок этган қурувчи ва ишчиларга, Осиё тараққиёт банкига, Туркия, Озарбайжон ва хитойлик пудратчиларга, Жанубий Корея ва италиялик консултантларга миннатдорлик билдирди.

— Йўл ва кўприк қуриб одамларнинг узоғини яқин, мушкулчини осон қилиш энг савобли ишлар қаторида туради. Биз бунёдкор йўлсозларнинг тимсолида ана шундай олийжаноб, элнинг дуоси ва раҳматига сазовор бўлиб келаётган

заҳматқаш инсонларни кўрамыз. Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган бундай эзгу ишларимиз янада кўпайсин, — деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур 240 километр йўлнинг икки томони — Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот тумани ҳамда “Довуд ота” божхона постида ҳозир бўлганлар телекўприк орқали алоқага чиқди. Президент Шавкат Мирзиёев мамнуният билан йўлнинг очилишига руҳсат берди. Ушбу қувончли воқеа билан барчани му-борақбод этди.

Маросимда давлат идоралари ва жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига муҳандислик иншоотларини мониторинг қилиш тизими тақдирот қилинди. Унга кўра кўприкларнинг муайян нуқталарига электрон узаткичлар ўрнатилади. Улар орқали мустаҳкамлик ва хавфсизлик даражаси, ҳозиргидек белгиланган муддатларда эмас, доимий назорат қилиб борилади. Қўнлик меъёрдан ўзгариш сезилса, муаммо тезда аниқланиб, вақтида чора кўрилади. Бу кўприкларнинг узоқ вақт яхши сақланишини таъминлайди.

Шунингдек, бу тизим натижасида маблағ тежалади. 20 га яқин қозғош шаклдаги ҳисоботлар рақамлаштирилади. Мониторинг маълумотлари 30 йилгача сақланади.

Шундай биринчи лойиҳа Тошкент халқаро аэропортига элтувчи Бобур кўчасидаги янги йўлўтказгичда қўлланди. Маросимда ушбу транспорт боғламаси ҳам тўлиқ очилди. Унинг умумий узунлиги 702 метр, эни 46 метр. Шунингдек, 2 та айлана ва 4 та ёйсимон “қанот”лар барпо этилиб, Кичик халқа йўли ҳамда Содиқ Толипов кўчалари билан самарали боғланган. Бу қайрилиб олишга ҳожат қолдирмай, автомобильлар ҳаракатини осонлаштирди. Умуман, ушбу транспорт боғламаси 1 соат ичида 5 мингта, бир кеча-кундузда 132 мингта автомо-билини ўтказиш қувватига эга бўлди.

Президент бу тизимни аввал пойтахтимиздаги 114 та кўприкда ва кейинчалик барча кўприкларда татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда кейинги ҳақки йилда 2 минг километр йўл қайтадан қурилган, 100 минг километри таъмирланган. Энг муҳими, бунда сифат ўзгармоқда, янги турдаги полимер-бетон, цемент-бетон қопламалар кенг қўлланилмоқда. Натижада йўллардан фойдаланиш муддати 1,5 баробаргача узаймоқда.

Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда келгуси йил яна минг километр йўл қуриш бўйича 10 та йирик лойиҳа режалаштирилган.

Ў.А.

ДЎСТОНА ВА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов Малайзия Сайлов комиссияси раиси Рамлан Бин Харунни қабул қилди.

Суҳбат аввалида меҳмонларга янги таҳрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасидаги ислохотлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти ҳамда 27 октябрь куни ўтказилиши режалаштирилган парламент сайловлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Учрашувда Рамлан Бин Харун Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларга юксак баҳо бериб, яқин келажақда Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига киришига ишонч билдирди.

Меҳмон жорий йилнинг 27 октябры куни бўлиб ўтиши режалаштирилган парламент сайловлари юқори даражада ўтишига ишонч билдириб, ушбу муҳим сиёсий жараён гувоҳи бўлиш имконияти тақдим этилгани учун Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига ўз миннатдорлигини билдирди.

Шунингдек, халқаро кузатувчи сифатида Ўзбекистонга биринчи марта ташриф буюрганини ва сайлов-

ларни қайта қизиқиш билан қутаётганини қайд этди.

Рамлан Бин Харун ўз сўзида “Биз яқинлашиб келаётган сайловларнинг ҳуқуқий жараёнини диққат билан кузатамиз, чунки бу демократик ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Парламент сайловлари очик ва шаффоф бўлишига ишончим комил”, дея таъкидлади.

Ўзбекистонга мазкур сиёсий тадбирнинг юқори даражада ўтишига тилқош экани ва келажақда мамлакатларимиз ўртасида нафақат дипломатик, балки эъбират туризми, таълим ва бошқа соҳаларда кенг қамровли ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб боришига ўмид билдирди.

Мулоқот давомида икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида “дўстлик гуруҳлари”нинг ўзаро ташрифларини ташкил қилиш муҳим экани қайд этилди.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати олдига қўйилган мақсадли вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини умумий тарзда мувофиқлаштиришни амалга оширади, юзага келган келишмовчиликлар бўйича қарорлар қабул қилади;

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди;

халқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан халқаро шартномаларни имзолайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; давлат бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига вилотлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этиш тўғрисида таклифлар киритади;

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш аънурлари ва навбатдаги йил учун асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузасини Қонунчилик палатасига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари билан биргаликда ҳар ярим йилда Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси халқига ҳамда Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чикаради.

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради. Бош вазир йўқлигида унинг вазифасини Бош вазир ўринбосарларидан бири баҳариб туради.

23-модда. Бош вазир ўринбосарлари

Бош вазир ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ; давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган стратегияларда ва уларни амалга ошириш бўйича тегишли йиллик дастурларда белгиланган вазифаларнинг республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши устидан назорат қилади, масъул вазирликлар ва идораларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутатининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) аъзосининг сўрови, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг бориши мониторингини амалга оширади;

иқтисодиёт тармоқларидаги ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилади;

хўдудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан bogлиқ вазифаларнинг бажарилишини бевосита туманлар ва шаҳарларда назорат ва таҳлил қилади, жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш чораларини куради;

аниқ соҳаларда ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларнинг боришини ўрганиш, шунингдек ҳудудларда аҳоли томонидан кўтарилаётган долзарб муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳудудларда Ҳукуматнинг мавзули сайёр (очик) мажлисларини, «ҳукумат кулани»ни ташкил этади;

стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс таклифлар ишлаб чиқади;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг фаолиятини самарадорликка йўналиради, шу орқали тегишли соҳалар ва тармоқлар бўйича белгиланган параметрлар ва мақсадли кўрсаткичларга эришилишини таъминлайди; республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини йўлга қўйиш ишларини ташкил этади;

иқтимоий соҳани, иқтисодиёт тармоқларини ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича белгиланган параметрлар ҳамда кўрсаткичларга эришишга қаратилган манзилли чораларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

вазирларнинг ва бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг савъ-ҳаракатларини бирлаштиради ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

ўзи масъул бўлган соҳалардаги камчиликларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилади, уларни бартараф этиш бўйича стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс таклифларни ишлаб чиқади;

муаммолни ва истикболли масалалар бўйича таклифларни қўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси мажлисларининг кўн тартиби бўйича таклифлар киритади;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Бош вазир ўринбосарлари ўзига ишониб топширилган фаолият соҳасида эришилган натижалар учун шахсан жавобгар бўлади.

24-модда. Бош вазир маслаҳатчиси

Бош вазир маслаҳатчиси вазифалар тақсимотига мувофиқ; ўз ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича Бош вазирга таклифлар ишлаб чиқилишини, уларнинг экспертизадан ўтказилишини ва тайёрланишини таъминлайди, шунингдек бунинг учун шахсан жавобгар бўлади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини умумий тарзда мувофиқлаштиришни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

вазирларнинг ва бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг савъ-ҳаракатларнии бирлаштиради ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

ўзи масъул бўлган соҳалардаги камчиликларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилади, уларни бартараф этиш бўйича комплекс таклифлар ишлаб чиқади;

муаммолни ва истикболли масалалар бўйича таклифларни умумлаштириш, уларни Вазирлар Маҳкамаси мажлисида муҳокама қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентига қўриб чиқиш учун киритиш чораларини кўради;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Бош вазир маслаҳатчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош вазир маслаҳатчисининг функционал вазифалари ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

25-модда. Вазирлар

Вазирлар: Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни қўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси мажлисларининг кўн тартиби бўйича таклифлар киритади;

Вазирлар Маҳкамаси қўриб чиқиши учун масалалар тайёрлашни амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларни қўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

норматив-ҳуқуқй ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқади;

Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритилган норматив-ҳуқуқй ҳужжатлар лойиҳаларини коллегиял тартибда қўриб чиқишда

уларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тегишли белгиланган давлат нархлари қўлланиладиган махсулотларнинг, товарларнинг ва хизматларнинг номенклатураси; давлатлараро шартномаларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг қарорларига мувофиқ бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилади.

31-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни Бош вазир котибияти республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда амалга оширади.

Зарур бўлган ҳолларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати томонидан ташкил этиладиган комиссиялар амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ тайёрланади.

Зарурат бўлганда аниқ соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларнинг боришини ўрганиш ҳамда жойлардаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида ҳудудларда Бош вазир томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва улар ҳудудий бўлиmlаларининг раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлислари, шу жумладан «ҳукумат кулани» ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлисларини ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

26-модда. Вазирлар Маҳкамасининг коллегиял органлари

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссиялар тузади ва уларнинг вазифаларини, функцияларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари жумласига қирадиган айрим масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқй ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг айрим топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ташкил этилиши мумкин.

27-модда. Вазирлар Маҳкамасига масалаларни киритиш ва қўриб чиқиш

Вазирлар Маҳкамасига қўриб чиқиш учун: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳалари – қонунчилик ташаббуси тартибида Қонунчилик палатасига киритиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш учун;

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари – қабул қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли қисми бўйича номенклатурасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг номенклатурасига қирадиган лавозимларга тайинлаш, тасдиқлаш, тақдим этиш, келишиб олиш учун номзодлар ва уларни лавозимидан озод этиш бўйича таклифлар; мансабдор шахслар айрим тоифаларининг хорийқ мамлакатларга хизмат сафарларида чиқиш тўғрисидаги, Вазирлар Маҳкамаси билан белгиланган тартибда махус келишиб олиш талаб қилинадиган таклифлар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасида учун ваколатларига қирадиган масалаларни қўриб чиқиш Вазирлар Маҳкамаси, унинг Раёсати мажлисларида, Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиси томонидан Вазирлар Маҳкамаси ташкил этадиган комиссияларнинг ҳамда бошқа идораларро коллегиял органларнинг мажлисларида мандатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасига қўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Конституциявий Қўнун билан унинг ваколатига тегишли бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган бошқа масалалар ҳам киритилади.

Мўҳум давлат, иқтисодий ва иқтимоий-маданий масалаларни ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг комплекс ёки мақсадли дастурлари ва тадбирлари ишлаб чиқилиб, улар Бош вазир ўринбосарлари ҳамда маслаҳатчиси томонидан Вазирлар Маҳкамасига қўриб чиқиш учн киритилади.

Вазирлар Маҳкамасига қўриб чиқиш учун масалалар Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, вазирликларнинг ташкилий бўйсунувига қиймайдиган республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, истисно ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилади.

Давлат иштирокидаги ташкилотлар ва ҳўжалик бирлашмалари томонидан норматив-ҳуқуқй ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа масалалар тегишли соҳада давлат сйёсатини амалга ошираётган республика ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари орқали киритилади.

28-модда. Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлиmlмалари

Бош вазир котибияти ва унинг таркибий бўлиmlмалари, шунингдек Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлиmlмаларидир.

Бош вазир котибияти Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва протокол жиҳатдан таъминлашни, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилган «йўл хариталарини», жадалларни, ҳаракатлар дастурларини, амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишни амалга оширади.

Бош вазир котибиятининг ва Вазирлар Маҳкамаси бошқа таркибий бўлиmlмаларининг иш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низоmlлар билан белгиланади.

Бош вазир котибиятининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Бош вазир котибияти раҳбарининг ўринбосарлари ва Бош вазир ўринбосарлари котибиятларининг раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вақили, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош вазир котибияти таркибий бўлиmlмаларининг раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек Бош вазир ўринбосарлари котибиятларининг раҳбарлари ўринбосарлари ва ходимлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош вазир котибиятининг таркибий бўлиmlмалари ва Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари ишни мувофиқлаштириш Бош вазир котибияти раҳбари томонидан амалга оширилади.

29-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари

Давлат бошқаруви, ҳўжалик ва иқтимоий-маданий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Бош вазир ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиси, вазирлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати бошлиғи, зарурат бўлганда эса вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари иштирок этади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчилари ва маслаҳатчилари, Қонунчилик палатаси Спикери, Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Олий судининг раиси, Бош прокурори таклиф этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларининг оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

30-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қўриб чиқиладиган масалалар

Қўйидагилар фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қўриб чиқилади:

Давлат бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасарруфидаги давлат мақсадли жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари; бошқарув тузилмасини тақомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим ҳудудларини иқтисодий ва иқтимоий-маданий жиҳатдан ривожлантириш дастурлари лойиҳалари; давлат қимматли қўраларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзини ошириш чегаралари тўғрисидаги таклифлар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

қатъий белгиланган давлат нархлари қўлланиладиган махсулотларнинг, товарларнинг ва хизматларнинг номенклатураси; давлатлараро шартномаларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг қарорларига мувофиқ бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилади.

31-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни Бош вазир котибияти республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда амалга оширади.

Зарур бўлган ҳолларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати томонидан ташкил этиладиган комиссиялар амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ тайёрланади.

Зарурат бўлганда аниқ соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларнинг боришини ўрганиш ҳамда жойлардаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида ҳудудларда Бош вазир томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва улар ҳудудий бўлиmlмаларининг раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлислари, шу жумладан «ҳукумат кулани» ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлисларини ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

32-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қарорлар қабул қилиш

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг кўпчилик сўрови билан қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қабул қилинган қарорлар баёнома тарзида расмийлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг баёномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда Бош вазир котибияти томонидан расмийлаштирилади ва тарқатилади.

Ҳукуматнинг баёнома қарорлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ амалга оширилади.

5-6-б. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати

33-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати ва унинг таркиби

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати Вазирлар Маҳкамасининг доимий фаолият кўрсатувчи органидир.

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати таркибига Бош вазир, Бош вазирнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиси, вазирлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси қиради.

34-модда. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларида қўриб чиқиладиган масалалар

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг ижросини ташкил этиш масалалари;

Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритиладиган қонунлар лойиҳалари;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига қирадиган масалалар қўриб чиқилади, бундан ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқ фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қўриб чиқиладиган масалалар мустасно.

35-модда. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисини ташкил этишни ва тайёрлашни Бош вазирнинг котибияти амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлислари ҳар ҳафта

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорлигини таъминлайди, бунда юзага келадиган низоли масалаларни ҳал этади;

худудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, маҳаллий ҳама этувчи ҳокимият девонлари ходимларининг чекланган сонини ва ушбу девонларнинг намунавий тизимласини белгилайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қонунчиликка зид бўлган қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб туришга ҳамда уларни бекор қилишга ҳақли, бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер ўчаскасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган қарорлар ва фармойишлар мустасно.

45-модда. **Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади, қонунчиликка мувофиқ уларга зарур ёрдам кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг тақлифларини қўриб қиқади.

8-боб. **Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг очқилғи ва шаффофлиги**

46-модда. **Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг очқилғини таъминлаш**

Вазирлар Маҳкамаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳалқ билан очқ мулоқоти таъминлайди, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб қиқади жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этади.

Бош вазирнинг қотибияти ва Бош вазир ўринбосарларининг қотибиятлари жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларига, республика ижро этувчи ҳокимият органларига ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига келиб тушган мурожаатлари билан ишлаш мониторингини ва таҳлилини амалга оширади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб қиқиш ҳолатини ўрганиш аяқуларни Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисларида ёки селектор йиғилишларида ҳар чоракда, шу жумладан тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўриш тўғрисида тақлифлар киритган ҳолда қўриб қиқилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали тизими фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадига Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳалқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси билан ҳамкорлик қилади.

47-модда. **Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш**

Жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасига ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқилғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таъминланади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида қўйидагилар орқали ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради.

Ўз расмий веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва аниглаб туриш;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, шунингдек қўриб қиқиладиган масалалар муҳкамасига жамоатчиликни жалб этиш тартиби Бош вазир томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий веб-сайтига ахборотни жойлаштириш ва аниглаб туриш Бош вазирнинг матбуот хизмати томонидан амалга оширилади.

Абдусайд КҮЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

БУГУННИНГ РАҲБАРЛАРИ

Кўз ташласант мозиёнинг бепоён даштларига,
Саробдек жимирлагай замонлар карвонлари.
Саҳройи қўрлар каби сахро оташларида
Чарчаган карвонларнинг чарчасма сарбонлари.

Ярадор шердек ваҳший тўфонлар чангалида,
Ожиз капалак мисол титранганда кемалар;
Даргалар бўлмасайди уммонлар жангларида,
Кемани бир пашшадек ютарди ваҳималар.

Панипатда бир ҳовуҳ шерорак лашкар билан
Бобурушоҳ кучмасайди голибона талъатни;
Ботирларнинг пойига тўшамасди патт гилам,
Замин асло кўрмасди муҳташам салтанатни.

Ҳа, тарих чархпалаги айланмоқда бемалол,
Асрларни дон каби янчар тегирмонтоши.
Сергак турмасант аммо, тоғлар ҳам топгай завол,
Илло, тегирмонга ҳам шартдир тегирмонбоши.

Юз қўшчига бир бошчи, дейилмиш ота мақол,
Қуёш каби мангудир, барҳаётдир фазалдай.
Ҳар тузарга бир пешво, маҳаллага — оқсоқол,
Ҳар туманга доруға лозим эрур азалдан.

Кун чиқиб, ботса ҳам ой, билмай ором, ҳаловат,
Элбошилар элларга мулки чироқ бўлганлар.
Нух тўфони сингари кутурганда қабоҳат,
Бирн Рустамн достон, бирн Широқ бўлганлар.

Эслар бўлсак бийларнинг забаржал довларига,
Адолатли кўзудир ўтмишнинг дафтарлари.
Ҳўш, сиз-чи, сиз тайёрий даврон синовларига,
Талотўп асримизнинг иззатли раҳбарлари?

Дейликки, кемангизни гирлоб тортди қаърига,
Карвонга қароқчилик ҳужум қилди қунолар;
Сиз дунёни қолдириб тақдир кажрафторига,
Аросат маҳдудида қилмайсизми уйинлар?..

Ёҳуд бахри бақодек ол-ол чаманзорларга,
Самумдай кирса босиб чигиртқалар, қаралар;
Палахмон тоши бўлиб галаисм, гаддарларга,
Бўстонларни асрашга ярайсизми, даргалар?..

Бугун битта пуфласанг хаслек ёнишга тайёр,
Бугун тандирдай чатнаб турибди кекса очун.

Бугун билмоқ маҳолдир, ким биродар, ким ағёр,
Бугун билмоқ маҳолдир, ким қузғун-у, ким лочин.

Шундай дамда бўронлар қутқу солиб мастона
Қутурса, курашларга етадимки кучингиз?
Ваҳоланки, улусга қўрғон бўлиб шоҳона,
Тогдай марғур турмоқлик сизнинг олий бурчингиз.

Ҳокимдирсиз ё вазир — катта элда саркорсиз,
Елкангизда турибди катта элнинг юмуши.
Катта элнинг қорига ҳар қалдамда даркорсиз,
Ангил эмас, албатта, катта элнинг ташвиши.

Биламиз, сафингизда эранлар кўп, эрлар кўп,
Йўқса ар-ар чинордек қалқинмасдик фалакка.
Олдда биллонихўя пасту баланд қирлар кўп,
Ўзбекюрт муҳтож бу кун шерпанжа-шербилакка.

Дунё — ари инилек беҳаловат, безовта
Ер — мезон толасидек қалтирайди омонат;
Она Ватан мардларга интизор-илдҳқ пайтда,
Сиз узанги талашиб қилмайсизми маломат?

Шукрким, булутларнинг дамларини қайириб,
Осмонўпар чўққидек турибди Юртбошимиз.
Сиз ҳам оқ қорани бир-биридан айириб,
Қаватида турмоққа етайми бардошингиз?..

Ҳадемай ифорларга тўлдиргай маъволарни,
Билга ҳоқон боболан мерос юртингн боғлари.
Улугбек юлдузлари порлатиб самоларни,
Қуёшдек ярқиратгай Эр Тўнга чироқлари.

Улуғ қўрғон пойига қўйилмоқда олтин гишт
Ва Буюк Ёришлилар шонининг пойдеворни.
Йичингизда Тўмарис, кучингизда Алпомиш,
Ёнингизда Бобурушоҳ алпларидек Алп борми?

Бу кунларга етгунча ёниб, ўчди қанча шам,
Тупроқ бўлди неча бор салтанатлар, султонлар.
Ботир эрлар туйғайли она замин муҳташам,
Омон қолди Туркистон, омон қолди Туронлар.

Арқонлар боши узра саланглаб турганида,
Миллатим деб жон берган жадилларни кўрдингиз.
Бугун эса ўзбекнинг бекарон карвонида,
Битта жадид бўлмоққа етадимки қурбингиз?

Афсуски...
Кимдир бесар.
Шайтон рақси қоннда.
Пашшаю чумолилар бургут санар ўзини.
Бўри каби улваган довуллар тўзонида,
Қодирмисиз оқлашта элнинг нону тузини?..

Ахир, эгарга минса, билмай босар-тусарни,
Мита каби ришвага қул бўлган каслар йўқми?
ҚоҲудою расулу, тоҳ нағман усулни,
Қиблай паноҳ билган нафси чоҳ дастлар йўқми?

Бу сўзлар дилингизга ботар балки мисли йўқ,
Ахир, ҳақ сўз дахшадир ҳатто захри чаёндан.
Лекин "янтоқнинг ёғи, катталарнинг соғи йўқ",
Дейилмиш илдоа ҳам тушмаган-да осмондан...

Раҳбар — миллат шарафи.
Раҳбар — миллат кўзғуси.
Оқил раҳбар, чин раҳбар, элнинг сарбадоридир.
Ношулдар бир кун сўзсиз сомон каби тўзгуси,
Ботир эрлар эл-юртининг ифтихори, оридир.

Шул боис ҳам жам бўлинг, жам бўлсангиз юлдузлар
Сомон йўли мисоли тўшалгай пойимизга.
Пуфак каби ёрилгай пасткашлару ҳисизлар,
Узонлар ҳавас қилгай ўлан хиргойимизга.

Жам бўлсангиз, жилгалар айлангай дарёларга,
Райҳону жамбиларга макон бўлгай қасримиз.
Нилуфар тонгларимиз чўмилгай зилларга,
Баҳор тароватига қўмилгай тўрт фаслимиз.

Жам бўлсангиз, тўлгайдир мардона дostonларга
Янги Ўзбекистоннинг шоҳона дафтарлари.
Ўзбекнинг ҳар қалами айлангай бўстонларга,
Бургутларга айлангай ўзбекнинг қаптарлари.

Жам бўлинг! Жам бўлсангиз, қорлар ёнгай ўт бўлиб,
Шамлар шамсга айлангай ўтораклар қўридан.
Ёмғир дув-дув тўкилгай омбор тўла қут бўлиб,
Рақиблар ҳам жой бергай минбарларнинг тўридан.

Бирлашсам — битта қалқимиз.
Жам бўлсак — битта Ватан.
Ҳавас қилгай ўзбекка жаҳоннинг жаҳварлари.
Сиз ҳам Юртбошимиздек халқ билан бўлинг бир тан —
Янги Ўзбекистоннинг бугунги раҳбарлари!

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги 818–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 202-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга қиритиш ҳақида»ги 819–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 203-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзғаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 524–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 138-модда);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Янги таҳрирдир «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга қиритиш ҳақида»ги 525–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 139-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги УРҚ–90-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **1-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги УРҚ–194-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) **10-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзғартишлар киритиш ҳақида»ги УРҚ–233-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 465-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги УРҚ–285-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда) **2-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги УРҚ–367-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 4, 86-модда) **1-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги УРҚ–372-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 130-модда) **3-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–389-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда) **3-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги

ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **2-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–411-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 276-модда) **3-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **6-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 мартда қабул қилинган **«Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–527-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 3, 162-модда) **2-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги УРҚ–591-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 885-модда);

17) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–653-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 12, 691-модда) **3-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзғартишлар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **23-моддаси**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелда қабул қилинган **«Давлат қарзи тўғрисида»**ги УРҚ–836-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 4, 272-модда) **56-моддасининг 1-банди**.

53-модда.	Ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тўшунтирилишини таъминлаш
	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конституциявий Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тўшунтирилишини таъминласин.
54-модда.	Қонунчиликни ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштириш
	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб қиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.
55-модда.	Ушбу Конституциявий Қонуннинг қулга қириши
	Ушбу Конституциявий Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қулга қиради.
Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2024 йил 25 октябрь № УРҚ—982	

ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ



Ийгилишда Тошкентнинг тарихий марказида барпо этилаётган Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказининг илм-фан, ислом таълимоти ва тарихи, маънавият ва маърифатга доир барча маълумотни энг сўнгги рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллект ангилликларини ўзида муҳассам қилгани ҳолда ифода этишига оид режа ва лойиҳалар хусусида атроф-лича сўз юритилди.

Халқаро анжуманлар иштирокчилари мамлакатимизда диний ва дунёвий йўналишдаги эзгу сaъй-ҳаракатлар мўътадиллиги, буюк аждодлар меросига тaниши, халқимизнинг эзгу мақсад-муддаоларига ҳамоҳанг экaнини намуна сифaтида қайд этди. Ийгилишда Ўзбекистондаги Ислom

цивилизацияси марказининг келгу-сидаги фаолияти, қиёфаси, унинг ту-зилмаларига доир ранг-баранг ва қизикarli лойиҳалар тақдим этилди. Марказ фаолияти “Йўл харита-си”га қиритилиши режалаштирилган чора-тадбирлар хусусида батафсил сўз юритилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида тaшкил қилинган муассаса келгу-сида илм-фан, та-рих, маданият, маърифат, энг илгор технологияларни ўзида муҳассам эт-ган муаззам масканга айланишига ишонч билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республика-си Президенти маслаҳатчилари Ҳайриддин Султонов ва Музаффар Комилов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИГА ЭҲТИРОМ



Табриқда сўнгги йиллар-да барча маҳаллада хавф-сиз, тинч ва осойишта муҳит яратиш, ҳудудларда илгор таж-риба ҳамда амалиётларни жорий этиш бўйича муҳим натижалар қўлга қиритилаётгани алоҳида таъкидла-ниб, ички ишлар органлари ходим-ларининг халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорлик-ни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар-нинг олдини олиш борасидаги катта хизматлари миннатдорлик билан эътироф этилди.

Шу билан бирга, табриқда ички ишлар органлари фаолиятини та-комиллаштириш, уларни эл-юрт манфаатлари йўлида хизмат қиладиган ҳалқчил ҳамда профессио-нал тизимга айлантириш бўйича қилинган ишлар ва келгу-сидаги ус-

тувор вазифаларга урғу берилди. Тадбирда сафдор, сержант, офи-цер ва генераллар ҳамда фахрий-ларнинг эл-юрт тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш, фуқа-роларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркин-ликларини ҳимоялашдек машаққат-ли, ўз навбатида, шарафли хизмат-лари муносиб эътироф этилди.

Президентимизнинг 2024 йил 23 октябрдаги Фармони билан тақдирланган бир гуруҳ ходимларга Ватанимизнинг юксак давлат муко-фотлари топширилди.

Шунингдек, бир гуруҳ ходимлар вазирлиқнинг идоравий қўрак ни-шонлари, қимматбаҳо эсдалик совға-лари ҳамда пул мукофотлари билан тақдир